

АТЕИСТИК МАВЗУДА

ВАҚТИНЧАЛИК ИШ ЭМАС

Гул фасли илҳомлари
ҚЎНҒИРОҚЛАР

Қўнғироқлар чалинмоқда садо бериб оламга,
Қиру ариқ бўйлариди сергак тортиб майсалар.
Навоҳорда кечикмай деб эрталабни саломга
Бинафшалар йўл бўйида қўзларини уқалар.

Қўнғироқлар чалинмоқда, дугонажон, юр тезроқ,
Бу субҳиди рубобиди таралмоқда хуш оҳанг.
Меҳнат гаштин сурмоқ учун далалар чорлар бу чоқ,
Ташна қалблар қўзларини оғушига олсин тоғи!

Тўйимизнинг даракчиси дея битиб ишқнома,
Мақтубининг қатларига бойчечак солар йигит.
Судуҳ қиз ҳалқону бахтидан ёна-ёна
Чала қолган паланин қўлга олар энтикиб.

Тоғи оқармай уйғонганча сунбул сочин келинчақ
Қошларига ўсма тортиб, эгинга кияр атлас.
Бу тоғида у гузалликда баҳор ила эгизак,
Пойи узра гулчаларнинг дудоғида бир ҳавас!

Оналар-чи, болагинам соғу омон юрсин деб
Олидаги ўғлини эслаб ошпоқ инат туйлар.
Бу кун кўклар, уйимизга дўст-ёроқлар кирсин деб
Улар барча эшикларин катта очиб қўйлар.

Оқ аякда, бобо-деҳдон кетмон созлар ҳовлида,
Унинг чексиз ўйларига: «Бу йил булар ҳосил мўл».
Нам туяроқнинг таниш ҳиди чорлар бу кун далага
Вужудда — буюк соғинч, қаршида ойдин йўл!

Чалинмоқда қўнғироқлар, баҳор қўнғироқлари,
Садо берад жаранглашиб юракларнинг тубидан.
Боринг узра юз очинишлар янги кун куртаклари,
Ўлкамизга хуш келибсан, салом сента, эй қўклар!

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ТАЯНЧ
МАКТАБЛАРИДА
АМАЛИЙ СЕМИНАР

Бу йилги баҳорги кани-
кул кунларида областимиз
мактабларининг ўқувчилари
мароқли дам олдилар.
— Каникул кунлари мак-
таб директорлари, бошлан-
ғич партия ташкилотлари-
нинг секретарлари, илмий бў-
лим мудири, тарбиявий
ташкилотчилар учун ҳам
фойдали бўлди, — дейди
биз билан суҳбатда област
халқ маорифи бўлими муди-

ҒОЛИБ
КИМЁГАРЛАР

ОЛМАЛИҚДАГИ химик-
лар маданият саройида хи-
мия заводи ишлаб чиқариш
илгорлари, социалистик
мусобақа ғолибларининг
слёти бўлиб ўтди. Слёт-
ни корхона директори М.
Мирхўжаев очиб, коллек-
тивнинг сьездолди социа-

рининг ўринбосари А. И. Аб-
рамов, — улар Олмалик, Ан-
грен, Бекобод, Чирчиқ ша-
ҳарларининг таъин мактаб-
ларида уюштирилган ама-
лий семинарларда иштирок
этишти. Ҳаммаси бўлиб
3100 нафардан кўпроқ мао-
рифчилар қатнашган бу се-
минарда улар мактаб исло-
ҳотини амалга оширишдаги
янги форма ва иш метод-
лари, таълим-тарбия самара-
дорлигига эришининг қу-
лай усуллари, меҳнат тар-
бияси, олти ёшлиларни ўқи-
тиш методикаси ҳақида бой
илмий маълумотлар олдилар
ва тажриба ўргандилар.
С. ҲАСАНОВ.

листик мусобақаси аяқула-
ри, КПСС XXVII сьезди ша-
рафига олинган мажбурият-
ларнинг қандай бажарилган-
лиги ҳақида гапириб берди.
Мусобақада коммунистлар,
ишлаб чиқариш илгорлари-
нинг авангард бўлганлиги
таъкидланди.
Шундан сўнг «КПСС
XXVII сьезиди» — 27 зарб-
дор ўн қўли» шiori ос-
тида ўтган социалистик му-
собақа ғолибларига муко-
фотлар топширилди.

Л. ЛАВРИНА.

МУЗИКА
ОҚШОМИ

Тошкент композиторлар
уйида бўлиб ўтган романс
ва қўшиқ кечасида баҳор
ҳақидаги лирик асарлар
янгради. Ўзбекистоннинг
таниқли ва ёш композитор-
лари асарлари ижро этил-
ди.

Концертда учта премьер
ҳам ижро этилди: шинаван-
далар М. Отажоннинг
«Гул» шьерига М. Левиев
басталаган «Гул» ҳақида
«Садои бунбул» қўшиқча-
рини, шунингдек М. Ҳай-
даршо шьерига С. Карим-
хожи басталаган «Духтари
Тошкент» қўшигини тингла-
дилар.

(ЎзТАГ).

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Ўзбекистон XX спартакиада программаси асосида
ўтказиладиган мусобақалар

ЖАДВАЛИ

Спорт тури	Вақти	Жойи
Баскетбол (эркаклар)	18—25 апрель	Андижон
Баскетбол (айёллар)	10—17 апрель	Андижон
Классик кураш	15—19 май	Навоий
Эркин кураш	5—9 май	Навоий
Самбо	10—14 май	Навоий
Дзю-до	20—24 май	Навоий
Бокс	7—13 апрель	Фарғона
Волейбол (эркаклар)	15—22 апрель	Қўқон
Волейбол (айёллар)	7—14 апрель	Қўқон
Суз полоси	18—27 апрель	Фарғона
Велоспоссе	16—20 апрель	Фарғона
Велотур	4—9 апрель	Наманган
Спорт гимнастикаси	10—17 май	Наманган
Бигли атлетика	3—6 май	Тошкент
От спорти	20—28 май	Тошкент
Сузши	3—8 июнь	Чирчиқ
Синхрон сузши	21—25 май	Андижон
Қўл тўли (эркаклар)	14—21 апрель	Тошкент
Қўл тўли (айёллар)	22—29 апрель	Наманган
Камондан отиш	13—18 май	Бухоро
Тенис	5—13 май	Тошкент
Оғир атлетика	15—20 апрель	Фарғона
Қиличбозлик	10—18 май	Самарқанд

БОҒЧАМИЗДА
БОҒ ЯРАЛАДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза
районидидаги 517-болалар бо-
ғачи педагогик коллектив
тарбияланувчилар билан
биргаликда «Боғчамизни қў-
ламадорга айлантирамиз»
шiori остида кўчат экиш
маъмурий бошлаб юбориш-
ди. Ана шу маъсадда 100
тул олма, 50 тул ўрик, 80
тул олма, 50 тул беҳи ва
қўпбал гул кўчатлари кел-
тирилди.

Бу ташаббус болаларда
меҳнат муҳаббат уйғоти-
ши билан қимматлидир.
Боғча коллективи В. И. Ле-
нин туғилган куннинг 116
йиллигига бағишлаб ўткази-
ладиган Коммунистик пан-
даликда ҳам актив иштирок
этади.

Д. АҲМЕДОВА.

ДЎСТЛИК
КЕЧАСИ

Тошкентдаги меҳмонхо-
на-хўжалик техникуми ётоқ
хонасига кечин пайт кирган
киши беҳиштер ифодали
ўқилган шьэр, ашула ёки
булмас бирор куйининг ови-
зини эшитди. Бу ерда де-
ярли ҳар кун дарсдан сўнг
бадий ҳаваскорлик тўғра-
ги аъзолари янги қўшиқ
ёки рақсин машқ қилади-
лар.

С. Абдуллаев бадий раҳ-
барлик қилаётган бу тўра-
қининг иш бошлаганига
эндигина 4 ой бўлди. Ҳо-
зирги кунда тўғрақна 30
га яқин студент қатнашмоқ-
да. Айниқса, З. Бўтаева, М.
Баҳромов, У. Жонқўзиёв,
З. Сирожиддинова, А. Қар-
шиев, М. Ҳўжаева, Д. Ис-
моилова, Ч. Сатторов каби
ҳаваскорлар уюштирилаёт-
ган тадбирларда фаол қат-
нашмоқдалар.

Яқинда тўғрақ аъзолари
Самарқанд озиқ-овқат тех-
никуми студентлари билан
ҳамкорликда дўстлик кеча-
си ўтказдилар. Икки билим
юрти талабалари иштироки-
да катта концерт қўйилди.
Кеча томошабинларда катта
таассурот қолдирди.

Р. БЕРДИЕВ.

ГИПНОЗ ҲАҚИДА
НИМА БИЛАСИЗ?

Олмалик шаҳридаги Мая-
ковский номи кутубхонада
шанба ва якшанба кунлари
ёзувчи ва шорлар, санъат-
корлар билан учрашувлар,
адабий конференциялар ўт-
казиб билан бирга китобхо-
нари қизитириган мавзу-
ларда лекция ва суҳбатлар
ҳам уюштирилди.

Яқинда кутубхонада меҳ-
наткашларнинг психиатр
— врач А. Ҳайруллаева бил-
лан учрашуви бўлиб ўтди.
«Билим» жамияти шаҳар
ташкilotининг лектори «Гип-
ноз ҳақида унинг маъинида-
да қўлланилиш» мавзусида
лекция ўқиди. У гипноз ме-
дицинада ишчилар психика-
сида ичкиликни нисбатан
нафрат уйғотиши, асаб ҳа-
мда бошқа хасталикларни да-
волашда қўлланилиш ҳақи-
да батафсил гапириб берди.

Бу ерда қўлланалар
гипноз тўғрисида ўз савол-
ларига қўйилган жавоб ол-
дилар. Учрашув сўнггида А.
Ҳайруллаева ўз иштаклари-
га кўра бир неча тингловчи
билан гипноз бўйича сеанс
ўтказди.

А. ПУЛАНОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

ТУЗАЛДИ-Ю, БУЗИЛДИ

МЕҲНАТ ветерани Ар-
слон Геранкулов ҳассасини
дўқиллатиб уйдан аранг
чиқди-да, яқин ўртадаги ав-
томатдан Қорақамши маси-
видаги «Зангори экран» ус-
тахонасига телефон қилди:
— Ҳалигина олиб келиб
берган телевизорларинг яна
ишламай қолди. На кўрса-
тади, на гапирди.
— Оббо-о, раҳмат ўрни-
га ҳадеб шикоят экан-да, —
зорланди диспетчер аёл.
— Ҳечқиси йўқ, тузатамиз,
хизматимиз шунақа бўлган-
дан кейин тузатаверамиз.
— Тузатишда ҳам туза-
тиш бор-да! — ота асабий-
лашди. — Э, балли-е, сиз-
дақа усталарга...
Воқеа бундай бўлган эди
аслида, 1985 йилнинг 18
сентябрида А. Геранкулов
бузуқ телевизорини Қорақа-
мши 1/2 массивидаги «Зан-
гори экран» ательесига олиб
борганда унга қўёқ ваъда
қилишди: «Ҳафта-ўн кунга

қолдирмасдан тузатиб бера-
миз».
«Аммо бу қўёқ ваъдалар
қуруқ бўлиб қичди, — деб
ёзади А. Геранкулов редак-
цияга йўллаган хатида. —
Телевизорим устaxonада ол-
ти ой чанг босиб ётди...»
Хуллас, шу йил февраль
ойида телевизор гўё тузал-
ди. А. Геранкулов «тузал-
ган» телевизорга қўйилган
«янги» кинескоп ва хизмат
ҳақлари учун жами салкам
юз сўм тўлади. Инвалидли-
ги, узоққа юрломаслиги
учун улардан телевизорни
уйга келтириб беришларини
илтимос қилди. «Ҳам хиз-
мат, ҳам тўхматми?» де-
йишди устaxonадагилар ва
машинанинг йўқлигини ба-
ҳона қилишди.

«Бўлмаган гап, — давом
этади ота хатида. — Уста-
хонага ақратилган машина
кўп вақт картошка бозориди
«халис» хизмат қилиб юра-
ди».

Кўп сарсонликдан сўнг
телевизор уйга олиб келин-
ди. Бироқ асосий машманша
шундан кейин бошланди.
Олти ой «даволанган» «Го-
ризонт-107» телевизорни би-
ринчи бор қўйишдаёқ эк-
ранда илғаб бўлмас тасви-
рлар пайдо қилди-ю, ўқди
қолди. Тоқати тоқ бўлган
меҳнат инвалиди телевизи-
орини яна устaxonага олиб
бориб ташлади.

Энди у бир нарсасга ҳай-
рон бўлиб юрибди. Битта
янги кинескоп давлат баҳо-
сида 87 сўм турди. Бун-
дай аппарат ўрнатилган те-
левизор нуқсонсиз ишлаши
керак. Устаси фаранглар
янги кинескоп ўрнатилган-
ми, ёки... Ҳозир А. Геран-
кулов бу саволга «Зангори
экран» хизмати бошлиғи
Равил Габидулов Сайфулин
ва бош уста Бахтиёр Оби-
довлардан жавоб кутмоқда.

Э. ҲАЙДАРОВ.

ТОПГАН БАҲОНАСИНИ ҚАРАНГ

Ўша кун Олмаликдан
чиққан автобус Бўна ав-
тостанциясига соат 9 дан 5 ми-
нут ўтганда кириб келди.
— Гарждан вақтида чи-
қа олмадим, — деди Ҳай-
довчи Мусурмонкулов.
— Кечиксан ҳам етиб келдик-
ку. Мутлақо келмай қолсан
нима қилардингиз?
Ҳа, шунақиси ҳам кўп
бўлган. Олмалик — Бўна мар-
шрутида қатновчи автобус-
ларнинг ҳаракатида ҳеч тар-
тиб йўқ. Январ ойининг
иккинчи ярмида Бўна ав-
тостанциясига 70 та автобус
келмади. Февралнинг икин-
чи ярмида эса 40 та авто-
бус бекетдан графика бўй-
ича қатнамади. Бўна авто-
ларни директори А. Собитов
эса шу маршрутдаги авто-
буслар неча панини бажара
олмаётгани билан мутлақо
қўзикади. Назорат бўш
бўлган ҳайдовчилар нуқул
ўзларини «тапта» уриштиди.
Бундан Бўна шаҳрига қат-
наб ишловчи ишчилар кўп

азият чекишяпти. Ишга дои-
мо кечикиб коллектив аъзо-
лари олдиди уятта қолиш-
япти.
Олмалик, айниқса, Бўна
автотаркида кейинги вақт-
ларда «бензин йўқ» деган
баҳона билан графикани бу-
зиш ҳоллари одат тусига ки-
риб қолди. Одатда биринчи
автобус ҳар яккала томон-
дан эрталаб соат 6 да йўлга
чиқиши зарур. Кейин ҳар 20
минут оралаб қатнов давом
этиши керак. Қўлингча бу
тартибга ҳеч ким риоя қил-
мади. Автобуслар гарждан
кеч қиқди. Нақизида ман-
зилга ҳам кечикиб боради.

Ҳўжаликларни Бўна шаҳ-
ри билан боғловчи маршрут-
ли таксилар ҳаракатида ҳам
аҳвол шу. Марказий касал-
хонани «Партия XIX сьез-
ди» колхози билан боғловчи
маршрутли таксилар бир кун
юрса бир ҳафта қорасини
кўрсатади. Бошқа мар-

шрутдаги таксилар ҳам айна
шопининг пайтида икки-уч
соатлаб дам олади. Бу ҳақида
Бўна автобус парки эксплуа-
тация бўлими бошлиғи А.
Рашидовга араз қилсангиз
булмагай баҳоналарини қат-
торлаштириб ташлайди.

Пассажирлар ташинш об-
ласт автотрестидида кон-
троль-норматив бўлими хо-
димлари шаҳар ва қишлоқ
аҳолисига транспорт хизмати
қай даражада кўрсатилаёт-
гани билан мутлақо қи-
зиқмайдилар. Улар фақат
молиявий масала билан шу-
ғулланишлар. Йўловчилар-
нинг шикоят ва тақдирлари-
га қўлоқ солмайдилар. Агар-
да ҳар бир транспорт таш-
килоти иш устидадан пухта
назорат ўрнатилганда мар-
шрутларда бунчалик тартиб-
сизлик бўлмас эди.

Т. ҲАЙДАРОВ.

СССР Журналистлар сою-
зи аъзоси, Бўна шаҳри.

● ТОШКЕНТДАГИ Г. Ти-
тов номи олимпиа резерв-
лари ихтисослаштирилган
болалар-ўсмирлар спорт
мактаб-интернатида янги

гимнастика зали фойдала-
нишга топширилди.
Суратда: спорт мактаб-ин-
тернати ўқувчилари залда
машғулот ўтказишмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

СПОРТ
МАЙДОНЛАРИДА

АНЪАНАВИЙ
ТУРНИР

□ ЎЗБЕКИСТОН ССР
Министрлар Совети соврини
учун ўтказилган анъанавий
турнирда республикамиз
спортчилари қатори мамла-
катимизнинг бир қатор
шаҳарларидан келган қи-
лчбозлар ҳам қатнашди.
Фахрли соврин учун 300
дан зиёд спортчи кураш
олиб борди. Ўтган сафарги-
дек бу гал ҳам Ўзбекистон
терма командаси биринчи
ўринни эгаллади.

ИККИ УНИНДА БИР
ОЧКО

□ «БИНОКОР» чемпи-
онатинг навбатдаги учра-
шувларини ўз майдонидида
Оленогорский «Звезда»
командаси билан ўтказди.

ЧАВАНДОЗЛАР
МУСОБАҚАСИ

□ ҚОЗОҒИСТОН ССР
Министрлар Совети мукофо-
ти учун бўлиб ўтган Бутун-
иттифоқ мусобақасида рес-
публикамиз вакиллари ҳам
иштирок этишти. Тошкент-
лик «Спартак» вакили Ар-
тур Багдасарян тўсиқлар-
дан олиб ўтишда Қубок
эгаси бўлди.

«Пахтакор»
жамияти вакили Рубен Ма-
вонов «Турнир очилиши»
соврини билан тақдирланди.
Яна бир вакилимиз «Спар-
так» жамияти аъзоси Татъя-
на Иваница «Кичик сов-
рин» эгаси бўлди.



МУЗЕЙДА САВОЛ-
ЖАВОБ КЕЧАСИ

Янгийўл районидидаги Меҳнат
Қизил Байроқ орденли «Ком-
мунизм» колхоз музейи ҳар
дом пайткорлар билан га-
вуж.

Кейинги вақтда музейда
атеистик пропагандани тар-
ғиб қилишга эътибор қучайди.
Бу ерда «Дин—кишилар учун
афюндир» деган темада экс-
позиция ташкил этилди. Унда
диннинг зарари ҳақида ёзил-
ган китоблар, брошюралар
қўйилган, кўргазма турли хил
иллюстрациялар билан бе-
зилган.

Музейда бўлиб ўтган на-
батдаги савол-жавоб кеча-
си ҳам атеистик тарбия ма-
салазига бағишланди. Ун-

да беш юз нафарга яқин қи-
лоқ аҳолиси иштирок этди.
Кечада Тошкент политехника
институтини фалсафа кафедре-
сининг мудири, фалсафа фанла-
ри доктори, профессор А. Ор-
тиқов «КПСС XXVII сьезди ва
атеистик тарбиянинг ақтуал
масалалари» мавзусида лекция
ўқиди. Унинг фактларга бой
маърузасини ҳамма мароқ би-
лан тинглади.

Лекция тугагач савол-жа-
воб бошланди. СССР Ми-
нистрлар Совети ҳузурида-
ги диний ишлар кенга-
шининг Тошкент об-
ласти бўйича вакили М. Юсуф-
хўжаев, Тошкент Давлат
педагогика институтининг до-

центи, фалсафа фанлари кан-
дидати Н. Ҳафизовлар меҳ-
наткашларни қизитириган ма-
салазори атрофича тушуни-
тириб бердилар.

Қизиқарли ўтган кечада қат-
нашган Зангори илмий
атеизм уйининг мудири В. То-
жибоев, Тошкент тўқимачилик
институтини фалсафа кафедре-
сининг ўқитувчиси А. Қозоқбо-
ев, област илмий атеизм уйи
лектори О. Ғуломовлар ҳам
айрим саволларга жавоб қай-
тардилар. Бу савол-жавоб ке-
часи унинг ҳамма иштироки-
ларида бой таассурот қол-
дирди.

З. ҲАЙДАРОВА.

□ Суратда: колхоз му-
зейи залда.

Р. Галиев фотоси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«СЛАВА» СОАТИ АНИҚ ЮРАДИ

Хотин-қизларнинг «Слава» соатлари аниқ юриши, чи-
ройилиги билан ҳаммаша аёлларга манзур бўлади.
Бу соатлар корпусларига олтин суви югуртирилган ва
хромланган бўлиб замонавий шаклда ишлаб чиқарилмоқ-
да. Унга олмос билан ишлов берилганлиги тўғрисида
қирралари ва чизилари ялтйраб туради.

Билакузлик «СЛАВА» соатлари жуда ҳам машхур.
Улар яриқрама тошлар билан безаланган.



Рангли чиройли пластмассадан
ишланган соатлар ёшларга ата-
ган.

Улар модали тасмачалар билан
чиқарилган.

Ниҳоят — энг кичик фарзанд-
лар учун аталган соатлар. Бу со-
атларнинг циферблатига севибли
эртанларнинг қаҳрамонлари расм-
лари ишланган.


«СЛАВА» сизнинг вақтингизни
тежайди.

Баҳоси — 15 сўмдан 325 сўм-
гача.

МОСКВА «ИККИНЧИ СОАТСОЗЛИК
ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШ-
МАСИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

БАҲОР ПОЙАБЗАЛЛАРИ



«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

аёлларга атаб «пробкасимон» ўртача пошнали
рангдор тусдаги хромдан тикилган энгил, чиройли
ва қулай пойабзалларни савдога чиқарди.
Баҳоси — 27 сўм.

«УЗОБУВЬТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБ-
ЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-32-71).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Тошкент область уй-
жай коммунал хўжалик
бошқармаси коллективи
бошқарма бошлигининг
ўринбосари М. П. Зула-
рова рафикаси
Ҳамида
ЗУПАРОВАнинг
вафот этганлиги муноса-
бати билан чуқур таъзия
ишор қилади.

Агросаноат ходимлари
насаба союзининг Тош-
кент область комитети
коллективни ишлаб чиқ-
ариш-оммания ишлари
ва меҳнат ҳақи бўлими му-
дир
Эргаш Иброҳимович
ИБРОХИМОВнинг
вафот этганлигини чуқур
қайғу билан билдириб,
марҳумнинг оила аъзоси-
ларига таъзия ишор қи-
ладилар.